

## ХП. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

**Юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотларда ишловчи  
ходимларнинг ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(2020 йил январь-сентябрь, дастлабки маълумот)

Андижон вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2 355,4 минг сўмни (иш ҳақиға устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 17,6 % га ўсди.

**Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан асосий меҳнат  
кўрсаткичларининг ўзгариши**  
(2020 йил январь-сентябрь , қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик  
субъектларидан ташқари)



**Корхона ва  
ташкилотлар сони**

**102,2 %**



**Ходимлар сони**

**99,4 %**



**Иш ҳақи фонди**

**121,3 %**




**Ўртача ойлик номинал иш  
ҳақи**

**117,6 %**

**Иш ҳақи. 2020 йил январь-сентябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича иш ҳақи таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда:**  
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)




**Саноат**



**Саноат** фаолият туридаги 61 та корхонада 35,9 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 18,1 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 1 136,8 млрд сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 28,8 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 3 750,5 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 19,2 % га ўсди.




**Қурилиш**



**Қурилиш** фаолият туридаги 8 та корхонада 0,9 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 0,4 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 23,6 млрд сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 0,6 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 3 210,8 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 21,2 % га ўсди.




**Савдо**



**Савдо** фаолият туридаги 28 та корхонада 3,0 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,5 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 54,2 млрд сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 1,4 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 2 067,4 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврида нисбатан ўзгариш бўлмаган.




**Ташиш ва сақлаш**



**Ташиш ва сақлаш** фаолият туридаги 19 та корхонада 2,4 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,2 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 29,3 млрд сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 0,7 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 1 558,3 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 37,2 % га ўсди.




#### Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар



**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар** фаолият туридаги 3 та корхонада 0,1 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 0,1 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 10,0 млрд сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 2,4 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 1 115,8 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 32,3 % га ўсди.




#### Ахборот ва алоқа




**Ахборот ва алоқа** фаолият туридаги 5 та корхонада 0,9 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 0,5 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 18,7 млрд сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 0,5 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 2 263,0 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 4,4 % га ўсди.




#### Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик



**Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик** фаолият туридаги 40 та корхонада 4,0 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 2,0 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 189,9 млрд сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 4,8 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 5 123,1 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 25,2 % га ўсди.




#### Таълим



**Таълим соҳасидаги** 1 523 та корхонада 85,7 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 43,3 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 1 375,9 млрд сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 34,9 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 1 914,8 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 12,8 % га ўсди.




### Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш



**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш** соҳасидаги 76 та корхонада 38,7 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 19,5 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 593,4 млрд сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 15,0 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 1 750,7 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 18,9 % га ўсди.



### Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш



**Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш** соҳасидаги 74 та корхонада 2,1 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 1,0 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 29,3 млрд сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 0,7 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 1 665,8 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 19,8 % га ўсди.



### Бошқа иқтисодий фаолият турлари




**Бошқа ижтимоий хизматлар соҳасидаги** 394 та корхонада 24,6 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 12,4 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 399,2 млрд сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 10,1 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи 2 238,6 минг сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 20,7 % га ўсди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг юқори ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори **Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик** фаолият турида кузатилди ва 5 123,1 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек юқори кўрсаткичлар **Саноат** фаолият турида (3 750,5 минг сўм) ва **Қурилиш** фаолият турида (3 210,8 минг сўм) кузатилди. Энг паст кўрсаткич эса **Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар** фаолият турида кузатилди ва 1 115,8 минг сўмни ташкил этди.


**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**  
(2020 йил январь-сентябр, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)




**Саноат**




**Қурилиш**




**Савдо**




**Ташиш ва сақлаш**




**Ахборот ва алоқа**




**Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик**




**Таълим**




**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш**




**Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш**



**Бошқа иқтисодий фаолият турлари**




**Шаҳар ва туманлар кесимидаги ўртача ойлик номинал  
ҳисобланган иш ҳақи**  
(2020 йил январь-сентябрь , қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик  
субъектларидан ташиқари, минг сўм)



Шунингдек, ҳудудлар кесимида қарайдиган бўлсак, ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг юқори миқдори Асака (3 821,0 минг сўм, вилоятдаги ўртача ойлик номинал иш ҳақига нисбатан 160,8 % га ўсди), Андижон (2 852,7 минг сўм вилоятдаги ўртача ойлик номинал иш ҳақига нисбатан 120,0 % га ўсти) шаҳрида кузатилди.

**Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг  
ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати**  
(2020 йил январь-сентябрь, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик  
субъектларидан ташқари, % да)




**Андижон вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
*(2020 йил январь-сентябрь, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)*

	2019 йил	2020 йил	Ўсиш суръати, % да
<b>Андижон вилояти</b>	<b>2 002,5</b>	<b>2 355,4</b>	<b>117,6</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Андижон	2 375,4	2 845,5	119,8
Хонобод	2 104,6	2 483,5	118,0
<i>туманлар:</i>			
Олтинкўл	1 418,2	1 464,2	103,2
Андижон	1 540,0	1 918,2	124,6
Балиқчи	1 375,7	1 607,1	116,8
Бўстон	1 439,3	1 656,4	115,1
Булоқбоши	1 434,3	1 640,4	114,4
Жалақудуқ	1 713,1	1 875,2	109,5
Избоскан	1 569,8	1 729,2	110,2
Улуғнор	1 492,6	1 700,6	113,9
Қўрғонтепа	1 588,9	1 725,2	108,6
Асака	3 133,9	3 891,8	124,2
Марҳамат	1 550,4	1 743,4	112,4
Шаҳрихон	1 454,9	1 780,5	122,4
Пахтабод	1 667,6	1 864,6	111,8
Хўжаобод	1 769,3	2 065,7	116,8



**Худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**  
(2020 йил январь-сентябрь ойларида; вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят худудлари бўйича кўрадиган бўлсак, ўртача ойлик иш ҳақининг вилоят кўрсаткичига нисбатан юқори даражаси Асака тумани (3 891,8 минг сўм, вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 65,2 % га юқори), Андижон шаҳри (2 845,5 минг сўм, 20,8 % га юқори) да кузатилган бўлса, Балиқчи тумани (1 607,1 минг сўм, вилоят кўрсаткичидан 32,8 % га паст) ва Олтинкўл тумани (14 64,2 минг сўм, вилоят кўрсаткичидан 38,8 % га паст) да кузатилди.

**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексида мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона таъриф сеткасининг биринчи разряди (2020 йил февраль ойида 679 330 сўмни ташкил этган) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

